

МАКТАБГАЧА ЁШДА БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРНИНГ БИРЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



Ибрахимова Ҳамида Рустамовна¹, Орзукулов Аъзам Орзукулович²

1 - Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Ўзбекистон Республикаси, Урганч ш.;

2 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ФОРМИРОВАНИЕ ПЕРВИЧНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПАРАЗИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Ибрахимова Ҳамида Рустамовна¹, Орзукулов Аъзам Орзукулович²

1 - Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Республика Узбекистан, г. Ургенч;

2 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

FORMATION OF PRIMARY PREVENTION OF PARASITIC DISEASES IN PRESCHOOL CHILDREN

Ibrakhimova Hamida Rustamovna¹, Orzukulov Azam Orzikulovich²

1 - Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Urgench;

2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: xamida.Ibraximova@mail.ru, oxygenium1700@gmail.com

Резюме. Паразитар касалликларнинг олдини олиш чоралари мажмуасида аҳолининг гигиеник таълими етакчи ўрин тутди. Бунда асосий ўрин мактаб ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг гигиеник тарбиясини тизимли, изчил амалга ошира оладиган таълим муассасаларига, хусусан, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига берилади. Мактабгача таълим муассасалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг гигиеник таълимига асос солади. Таълим муассасалари ходимларини профилактика ишларига жалб қилиш болаликдан гигиеник саводхонликни шакллантиришга имкон беради.

Калит сўзлар : Болалар, одатлар, гигиеник тарбия, мактабгача таълим, турмуш тарзи, паразитар касалликлар.

Abstract. Sanitary and educational work plays a leading role in the complex of preventive measures to combat parasitic diseases. Educational institutions, in particular schools and pre-school institutions, play a key role in providing systematic and consistent health education for school and pre-school age children. Preschool institutions are especially important, as they lay the foundation for public health education. The involvement of employees of educational institutions in preventive work makes it possible to develop hygiene literacy from an early age.

Keywords: Children, habits, health education, preschool education, lifestyle, parasitic diseases.

Мавзунинг долзарблиги: Мактабгача ёшдаги болаларда паразитар касалликларнинг бирламчи профилактикасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ёшдаги болалар гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилишни билмайдилар ва организмлари ташқи муҳит таъсирига сезгир бўлади. Боланинг гигиеник тарбияси тузилган пайдан бошлаб бошланиши ва ҳаёт давомида амалга оширилиши керак. Болалик даврида энг муҳим одатлар (фойдали ва зарарли) шаклланади. Гигиеник тарбия тиббий маданиятнинг асоси бўлиб, келажакда болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва паразитар касалликларнинг олдини олишнинг зарурий шартидир. Болаларни гигиеник таълим ва тарбиялаш элементлари ўзаро боғлиқ бўлган ва ташкилий, таълимий ва тарбиявий таъсирда бир-бирини тўлдирадиган тизим бўйича амалга оширилса энг катта самарадорликка

эришилади. Таълим-тарбия жараёнининг соғломлаштирувчи самарасига эришиш учун таълим тизимини қайта йўналтириш, болани соғломлаштирувчи соғлиқни сақлаш-ижодий фаолиятга қўшишни таъминлаш зарурати мавжуд. [1,2,3,4] Ўқувчиларнинг саломатлик маданиятини шакллантириш самарали бўлади, қачонки: ўқув жараёнининг соғломлаштирувчи самарасига эришиш учун шароитлар яратилса - синф хоналарини ташкил этишда гигиена меъёрларига риоя қилиш, профилактика чораларини тўғри олиб бориш; таълим жараёнининг таркибий қисмларини сифатини яхшилаш-ўқитувчининг методик савиясини ошириш, соғломлаштирувчи педагогик технологияларни ривожлантириш, фанлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, тарбиявий ишлар тизимини яхшилаш; болалар ўз саломатлигини сақлаш жараёнига киритилиши [5,6,7].

Жадвал 1. Болаларни паразитар касалликлар олдини олиш профилактикаси тўғрисидаги билимлар мажмуаси орқали ўзлари соғлиқларини асраш жараёнига тайёргарлик даражаси бўйича тақсимооти

Гуруҳ	Жами , n=548	Тайёргарлик даражаси		
		Паст	Ўрта	Юқори
Назорат	262	197 / 75,19±2,67	61 / 23,28±2,61	4 / 1,53±0,76
Асосий	286	53 / 18,53±2,30*↓	169 / 59,09±2,91*↑	64 / 22,38±2,46*↑

Изоҳ: суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) кўрсаткичлар.

Тадқиқот материал ва усуллари: Тиббий-педагогик тадқиқотлар олиб бориш учун мактабгача таълим муассасаларини танлаб олинди. Тадқиқотга ҳар икки жинсдаги жами 548 нафар мактабгача ёшдаги болалар жалб этилди. Улардан асосий гуруҳ 286 нафар, назорат гуруҳи 262 нафар боладан иборат бўлди. Иккала гуруҳ ўзаро репрезентатив бўлиб, фақат асосий гуруҳда паразитар касалликларнинг бирламчи олдини олиш дастури амалга оширилганлиги ва назорат гуруҳида амалга оширилмаганлиги билан ажралиб туради.

Тадқиқот натижалари ва муҳокама : Мактабгача бўлган ёш бола саломатлигини шакллантиришда, шу жумладан паразитар касалликларнинг бирламчи олдини олиш учун энг муҳим давр эканлигини кўрсатди. Болаларнинг ўз саломатлигини эҳтиёт қилишнинг паст, ўрта, юқори тайёргарлик даражаси аниқланди. Болаларнинг тайёргарлик даражаси куйидаги мезонлар билан тавсифланди: саломатликни сақлаш фаолиятида асос сифатида фойдаланиладиган асосий гигиеник ва экологик билимлар; соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз соғлигини ва ота-она саломатлигини асраш мотивасияси; боланинг реал ҳаётида гигиеник кўникма ва малакаларни амалга ошириш; бошланғич экологик саводхонлик ва табиий муҳитда ўзини тутиш маданияти; ўз-ўзини такомиллаштириш ва ҳамкорликка интилиш.

Ўқитувчилар билан яқин ҳамкорлик ота-оналарга фарзандларини тўғри тарбиялашга ёрдам берди. Шу мақсадда болаларнинг ота-оналари билан доимий тарбиявий ишларни амалга оширилди. Ота-оналарга оилада ҳам болалар муассасасида ўрнатилган гигиеник қоидаларга риоя қилиш, болаларни тўғри парвариш қилиш, паразитар касалликларнинг бирламчи профилактикаси ва гигиена кўникмаларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари билан танишиш муҳимлиги доимий тушунтирилди.

Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қизиқишини кўрсатди. Лекин сўровлар ўқитувчилар ва ота-оналарнинг гигиеник ва экологик саводхонлиги пастлигини, экологик-гигиеник машғулотларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди. Бундан ташқари, паразитар касалликларнинг олдини олиш бўйича ишларни амалга оширишда тизимнинг йўқлиги болаларнинг соғлигини асрашга тайёргарлик даражасининг пасайишига олиб келади.

Болалар билан паразитар касалликларнинг бирламчи профилактикаси бўйича машғулотлар олиб берилгандан сўнг мактабгача ёшдаги болаларнинг паразитар касалликларнинг олдини олиш профилактикаси тўғрисидаги билимлар мажмуаси орқали ўзлари соғлиқларини асраш жараёнига тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, паразитар касалликлар-

нинг бирламчи профилактикасини ўқитиш дастури амалга оширилган мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий гуруҳида тайёргарлик даражаси паст бўлган болалар назорат гуруҳига қараганда 4,06 баравар кам, уларнинг болалари орасида паразитар касалликларнинг бирламчи профилактикасини ўқитиш дастури бажарилмаган - мос равишда ўртача 18,53% (n=53) ва 75,19% (n=197). Аксинча, ўртача ва юқори тайёргарлик даражасига эга бўлган болалар сони асосий гуруҳда - ўртача 59,09% (n=169) ва 22,38% (n=64) назорат гуруҳида 23,28% (n=61) ва 1,53% (n=4) га нисбатан юқори бўлди. Олинган натижалардаги фарқлар тенденцияси Малишева Н.С. (2006) маълумотларига яқин бўлди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, паразитар касалликлар бирламчи профилактикасини ўқитиш дастури амалга оширилган мактабгача ёшдаги болалар асосий гуруҳида тайёргарлик даражаси паст бўлган болалар назорат гуруҳига қараганда 4,06 марта кам, тайёргарлик даражаси юқори бўлганлар эса 14,6 марта кўп бўлган (P < 0,001).

Хулоса. Мактабгача ёшдаги болаларда паразитар касалликларнинг бирламчи профилактикаси бўйича тавсия этилган улар билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ўқитиш дастурининг амалга оширилиши уларнинг соғлигини асраш жараёнига тайёргарлик даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Боланинг соғлиқни асраш жараёнига тайёргарлигини ошириш болалар орасида паразитар юқумли касалликларни камайтиради ва шу билан ушбу тақлиф қилинган дастурнинг тиббий самарадорлигини оширади. Олинган тадқиқот натижаларидан педиатрлар, гигиенистлар ва юқумли касалликлар бўйича мутахассислар фаолиятида фойдаланиш тавсия этилади. Паразитар касалликларнинг бирламчи профилактикаси болаларда ушбу патологик ҳолатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг олдини олишга, шу билан уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради. Гигиеник таълимни шакллантириш болаларнинг соғлиқни асраш фаолиятини яхшилашга имкон беради. Бу соғлом турмуш тарзини олиб боришга ва болалардаги юқумли (шу жумладан паразитар) ва соматик касалликларни камайтиришга имкон беради. Соғлиқни сақлаш маданиятини шакллантиришда гигиеник таълим, соғлигини асраш ва уни қайта тиклашда билим ва кўникмаларга эга бўлиш асосий ўринни эгаллайди.

Адабиётлар:

1. Мочалова А.А., Ершова И.Б. Взгляд на проблему гельминтозов и паразитозов на современном этапе // Актуальная инфектология. - 2014. - №2 (3). - С.17-19.
2. Мухитдинов Ш.Т., Жураева Ф.Р. Проблемы гельминтозов среди детей до 14 лет и организационные методы борьбы с ними в первичном звене здравоохранения // Международный научный журнал «Интернаука». – 2017. - №6 (28). - С.30-32.

3. Мяндина Г.И., Тарасенко Е.В. Медицинская паразитология. Москва, Практическая медицина, 2013. - 251 с.
4. Ибрахимова Х.Р., & САъдуллаев С. Е. (2023). Ахоли орасида ўткир ичак инфуцияларининг тарқалиши. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(15), 115-119.
5. Ярмухамедова Н. А., Ризаев Ж. А. Изучение Краткосрочной Адаптации К Физическим Нагрузкам У Спортсменов Со Вторичными Иммунодефицитами //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 6. – С. 128-132.
6. Ярмухамедова, Н. А., Хаджиметов, А. А., Ризаев, Ж. А., & Ризаев, Ж. А. (2021). Ёш спортчиларда иммун функция бузилишларини баҳолаш. *Биология*, 6, 132.
7. Ibrakhimova, N. R., & Nurllayev, R. R. (2023). A method for obtaining precipitating serums for the detection of human seminal fluid used in the study of physical Evidence in forensic biological laboratories. *World Bulletin of Management and Law*, 19, 42-44.
8. Oblokulov, A., Kholov, U., Oblokulova, Z., & Ibrakhimova, X. (2019). Clinical and laboratory characteristics of giardiasis in adults. *New day in medicine. Scientific and practical journal*, 1(1).
9. Rustamovna I. H. Pathogenetic principles of acute infectious intestinal infections and features of clinical course among children of different ages //Multidisciplinary Jour-

nal of Science and Technology. – 2024. – Т. 4. – №. 2. – С. 357-365.

ФОРМИРОВАНИЕ ПЕРВИЧНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПАРАЗИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Ибрахимова Х.Р., Орзукулов А.О.

Резюме. Санитарно-просветительская работа играет ведущую роль в комплексе профилактических мер по борьбе с паразитарными заболеваниями. Образовательные учреждения, в частности школы и дошкольные учреждения, играют ключевую роль в обеспечении систематического и последовательного санитарного просвещения детей школьного и дошкольного возраста. Дошкольные учреждения особенно важны, так как закладывают основу санитарного просвещения населения. Вовлечение сотрудников образовательных учреждений в профилактическую работу позволяет развивать гигиеническую грамотность с раннего возраста.

Ключевые слова: Дети, привычки, санитарное просвещение, дошкольное образование, образ жизни, паразитарные заболевания.